

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОСИЯТОВ ХУРШИД ОТАҚУЛОВИЧ

**XX АСРНИНГ ОХИРИ – XXI АСРНИНГ БОШЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИ МУЗЕЙЛАРИ
ШАКЛЛАНИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Хосиятов Хуршид Отақулович

XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида Ўзбекистоннинг жанубий
вилоятлари музейлари шаклланиши ва фаолияти тарихи.....5

Хосиятов Хуршид Отақулович

История формирования и деятельности музеев южных областей
Узбекистана в конце XX – начале XXI веков.....29

Хосиятов Хуршид Отақулович

The history of formation and operation museums in the southern regions of
Uzbekistan in the late twentieth and early twenty – first centuries.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications59

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОСИЯТОВ ХУРШИД ОТАҚУЛОВИЧ

**XX АСРНИНГ ОХИРИ – XXI АСРНИНГ БОШЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИ МУЗЕЙЛАРИ
ШАКЛЛАНИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2017.2. PhD/Таг 104 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қурбонова Дилафруз Абдирашидовна
тарих фанлари доктори

Хушвақтов Наби Олимович
тарих фанлари номзоди

Ўтақчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05-рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил "23" 11 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56). e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (89 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56). e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "10" 11 кун тарқатилди
(2021 йил "10" 11 даги 1 - рақамли реестр баённомаси).



Б.Ж. Эшов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Н. Ражабова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

М.Х. Тўраева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
муовини, т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда тарихий-маданий мерос объектларига қизиқиш ва уларни тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО инсониятнинг маданий меросини асраб қолишга катта аҳамият бериб, бунда музейларнинг етакчи роль ўйнашини, давлатлараро ва маданиятлараро алоқаларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун катта имкониятлари борлигига эътиборни қаратмоқда. Музей экспозицияларини янги инновациялар ёрдамида замонавий услубда яратиш, фондларини тўлдириш мақсадида экспедициялар ташкил этиш, экспонатларга ишлов бериш, уларни замонавий жиҳозлар билан бойитиш ва сервис хизматини яхшилаш орқали музей ишини янада такомиллаштириш давлат ва жамиятнинг функционал вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида музейлар фаолиятини йўлга қўйиш, музей экспонатларини тўплаш ва намойиш этишда инновацион усуллардан фойдаланиш, кўрғазмаларни ташкил қилиш классификаторларини ишлаб чиқиш, музейларда экспонатларнинг информатив ва экспрессив хусусиятларини аниқлаш, музейларнинг QR-кодини яратиш, виртуал экспозицияларининг стандартларини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадбирлар ҳозирги глобаллашув жараёнида музейлар воситасида моддий ва маънавий меросни замон талабларига мос равишда тарғиб қилишда ва туризм тизимини жадал ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тарихий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, туризмни ривожлантириш ўз ўрнида музейлар фаолияти ва музей ишининг тизимли ташкил қилиш йўналишларида замон талабига мос қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. “Мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳар бир музейнинг каталогини яратиш лозим”¹. Дарҳақиқат, бу жараёнларни чуқур ўрганиш ва музейлар ривожига хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон ва “Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида “Мақом музейи” фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 6 августдаги 621-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 19 декабрдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил, 28 декабрь // Халқ сўзи, 2018 йил 24 декабрь. № 271-272 (7229-7230)

ПҚ-4068-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сармишсой”, “Шахрисабз”, “Термиз” ва “Кўқон” давлат музей-қўриқхоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2019 йил 30 майдаги 443-сон қарорлари, “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 12 октябрдаги 721/0952-сон қарори ва соҳага оид бошқа меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Музейлар масаласи маданиятнинг энг асосий тармоқларидан бири сифатида доимий равишда тадқиқотчилар диққат марказидаги мавзулардан бири бўлиб келган. Бу мавзудаги мавжуд адабиётларни услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин: 1) *Ўзбекистонда бажарилган илмий тадқиқот ишлари*; 2) *хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари*.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда музейлар иши бўйича даврий нашрларда жуда кўплаб мақолалар нашр этилди². Бу борада Н. Содиқова, Н. Ҳабибуллаев, Ж. Исмоилова, И. Жабборов, Д. Раҳимова, Л. Ҳайдарова, Б.Тожиев, Ф.Хуррамов кабиларнинг изланишлари диққатга сазовордир. Муаллифлар ўз мақолаларида мустақиллик шароитида Ўзбекистонда музей ишини йўлга қўйишда дуч келинган муаммолар хусусида фикр билдиришиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва мулоҳазаларини илгари суришган. Масалан, И. Жабборов ва Д. Раҳимовалар замонавий музейшунослик фанининг долзарб масалалари хусусидаги таҳлилий маълумотларни баён қилишга ҳаракат қилишган.

² Содиқова Н. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Мозийдан садо, 1-2/01/1999. – Б. 16; Ҳабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи // Мозийдан садо. – 1999. –№ 4 (32). – Б. 5-8; Ўша муаллиф. Ўзбек музейларининг истикболи // Мозийдан садо. – 1999. № 1-2. – Б. 12-13; Ҳабибуллаев Н. Музейларимиз истикболи // Мозийдан садо 2003 йил № 2 (18); Дресвянская Г.Я. Музей и общество // Мозийдан садо. – 2000. № 1-2 (5-6). – С. 30-33; Жабборов И., Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – 2003. № 1 (7). – Б. 10-12; Исмоилова Ж. Музей – тарих кўзгуси // Мозийдан садо. – 2003. № 2 (18). – Б. 17-78; Жабборов И, Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муоммолари //Мозийдан садо, 2003. – № 1 (17); Ҳайдарова Л. Музейга қачон боргансиз? // Қашқадарё, 2010, 9 апрель; Тожиев Б. Қашқадарё вилояти ўлкани ўрганиш музейида сақланаётган анъанавий ҳунармандчилик намуналари // Магистрантларнинг XIII илмий конференцияси материаллари (ижтимоий-гуманитар фанлар) Самарқанд, 2013.– Б. 30-32; Ўша муаллиф. Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида сақланаётган уй-рўзгор буюмлари намуналари // Қарши давлат университети. Илм-фан ва инновация. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2013.– Б. 192-194; Норбўтаева Э. Тарихни кўрмоқчимсиз, музейга боринг // Қашқадарё, 2013, 17 май; Раҳматова Д. Ўтмиш ва келажак туташган маскан // Қашқадарё, 2015 йил 16 май; Хуррамов Ф. Музейлар – ўтмиш билан келажакни боғловчи кўприк // Кеш, 2019 йил 10 август № 22 (8710); Саидов А. Като Кюдзо – ўзбекларнинг япон олими // Халқ сўзи, 2019 йил 18 сентябрь. № 194 (7424); Зулфикоров Б. Музей экспонатлари нега хатловдан ўтказилмоқда? // Халқ сўзи 2021 йил 17 январь №13 (7515); Турсунова Н.М. Қадимги Термиз моддий маданиятининг музейлардаги намуналар // “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданияти: тарихий таҳлиллар” мавзусидаги Республика илмий анжумани мақолалар тўплами. – Тошкент: Тафаккур, 2021. – 312 б.

Ўзбекистонда музей иши бўйича монография ва ўқув қўлланмалар ҳам яратила бошланди. Бу йўналишда А. Қаюмов, Ш. Ўлжаева, Т. Шерматов, Ҳ. Ҳайдаров, И. Икромов, М. Бекмуродов, М. Рашидова, Б. Аҳмедов, А. Жабборов, А. Икромов, Н. Хушвақтов, А. Мусаев Д. Курязова, А. Ҳақимов, Н. Ҳабибуллаев, М. Муҳамедова, Ж. Исмоилова, К. Нишноваларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Ж. Исмоилова, М. Муҳамедова, М. Бекмуродов, М. Рашидоваларнинг ўқув қўлланмалари чоп этилди. Муаллифлар ўз ишларида маданиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган музей соҳасининг бугунги кундаги ҳолати, уларда замонавий инновация технологияларини қўллаш, музей экспозицияларини яратиш, турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этиш, ноёб осори-атиқаларни сақлаш, заҳира фондларида сақланаётган буюмларга илмий ишлов бериш каби масалалар хусусида фикр юритишган³.

Музей иши тарихи мавзуси тарихшунослигида Д. Курязованинг илмий изланишлари диққатга сазовордир⁴. Муаллиф кўп йиллик изланишлари давомида Ўзбекистонда музей ишини йўлга қўйишнинг қатор йўналишларини ўрганиб, ўзининг яқуний хулосаларини баён этишга ҳаракат қилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари кучайтирилмоқда. Ўз ўрнида бу тадбирлар музейлар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2021 йил 23 мартда Шаҳрисабзда “Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда тарихий музейларнинг ўрни” мавзусида Халқаро

³ Қаюмов А. Музей ишининг фидойиси. – Бухоро, 2000. – 50 б.; Ўлжаева Ш.М. Музейшунослик: ўқув қўлланма. – Тошкент., 2002; Шерматов Т., Ҳайдаров Ҳ., Икромов И. Жиззах музейлари. – Жиззах, 2003. – 32 б.; Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. – Тошкент, Ворис Али, 2006 – 102 б.; Исмоилова Ж.Х., Ревес А.М. Ўзбекистон бағрикенг диёр. – Тошкент, 2008. – 46 б.; Аҳмедов Б., Жабборов А, Икромов А, Хушвақов Н., Мусаев А. Музей – халқ тарихининг кўзгуси. – Тошкент, 2011 – 387 б.; Курязова Д. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Тошкент: Санъат, 2010. – 154 б.; Ҳақимов А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент: San'at, 2010. – 162 с.; Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим. Ўзбекистон музейлари истикболи // Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.14; Исмоилова Ж.Х., Муҳамедова М.С. Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма – Тошкент: Мунис десигн групп, 2013. – 310 б.; Исмоилова Ж.Х., Нишнонова К.С., Муҳамедова М.С. Музей ва жамият. – Тошкент: Чинор ЭНК, 2015, – Б. 11-14; Муҳамедова М.С. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда миллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни. (XX-XXI асрлар). – Тошкент: Ёш куч пресс матбуоти, 2017. – 297 б.

⁴ Курязова Д.Т. Музей ишларини ривожлантиришдаги долзарб масалалар // Ўзбекистон замонавий санъати: анъана ва инновациялар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2015. – Б. 104-106; Ўша муаллиф. XX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистон музейларининг тараққиёти // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий кадриятлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, 2015. – Б. 140-143; Ўша муаллиф. Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганишда ўқув муассасаларининг роли // Замонавий бадий таълимнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 306-307; Ўша муаллиф. Маданий меросни музейлаштириш масалалари // Миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги: назария ва амалиёт. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 53-54; Ўша муаллиф Ўзбекистон музейлари: моддий маданий меросини ўрганиш, сақлаш масалалари. Монография. – Тошкент: Санъат, 2018. – Б. 136; Ўша муаллиф. Ўзбекистон моддий маданий меросининг таснифи ҳамда уни ўрганилишининг назарий-методологик асослари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент: 2018. – № 5. – Б. 33-37; Ўша муаллиф. Музей фондларини сақлашнинг хусусиятлари // Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар. Республика 16-сонли кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция. – Тошкент, 2020. – Б. 64-67; Ўша муаллиф. Ўзбекистон моддий маданий меросини сақлашнинг ўзига хосликлари // Маданият чорраҳалари. – Тошкент, 2020. 2 – жилд. – Б. 4-9. (Impact Factor 4,94); Kuryazova D.T. Peculiarities of museumification of archaeological monuments in foreign countries // EPRA International Journal of Multidisciplinary Research Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal. Volume: 7 Issue: 4 April 2021. – P. 151-155 (SJIF Impact Factor (2021): 8.047.); Ўша муаллиф. Чет давлатларда археология ёдгорликларини музейлаштиришнинг ўзига хосликлари // Ўтмишга назар. – Тошкент, 2021. – № 4. – Б. 13-20;

илмий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур илмий анжуман материалларида музейшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган қизиқарли мақолалар эълон қилинди⁵. М.Тўйчиева, Б. Баҳромов, Д. Қуронбоева, Х. Бобожонов, М. Солиев, Д.А. Чориева, Г. Мўминова, М. Муродов, А. Тошев, М. Маматов, Н. Маматова, Н. Хушвақтовларнинг илмий мақолалари шулар жумласидандир. Муаллифлар орасида Н. Хушвақтов ва Д.А. Чориеванинг мақоласи тадқиқот мавзусига яқинлиги билан диққатга сазовордир. Н.Хушвақтовнинг мақоласида қадимий Шаҳрисабз шаҳрида музей ишини йўлга қўйиш муаммолари тадқиқ этилган бўлса, Д.А.Чориеванинг ишида Ўзбекистонда 1991-2016 йилларида музей соҳасини ривожлантириш тадбирлари бирламчи манбалар асосида ёритиб берилган.

Ўзбекистонда бу даврда музей иши тарихига бағишланган қатор диссертация ишлари ҳам ҳимоя қилинди⁶. Д.А. Қурбонованинг ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертацияси айнан музей иши масалаларига бағишланган бўлиб, у ўз изланишларида асосий эътиборни хориж музейларида Ўзбекистон тарихига оид сақланаётган коллекцияларни ўрганишга қаратган. Шунингдек, ушбу йўналиш бўйича Д. Курязова, А.Салимов, Ш.Миралиева, М.Мухаммедовалар диссертация ишларини ҳимоя қилишди⁷. Айниқса, Р. Альмеєвнинг диссертацияси биз тадқиқ этаётган мавзуга яқинлиги билан аҳамиятлидир⁸. Муаллиф диссертациясида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда музей ишини ижтимоий-маданий

⁵To'ychiyeva M. Moddiy va madaniy yodgorliklarni saqlash hamda targ'ib qilishda muzeylarning ahamiyati // O'zbekistonda turizmni rivojlantirishda tarixiy muzeylarning o'rni mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Shahrisabz, 2021. – B.150-151; Baxromov B. Mustaqillik yillarida O'zbekistonda muzeylar faoliyatining rivojida ayrim ma'lumotlar // O'zbekistonda turizmni – B. 170-171; Quronboyeva D. Muzeyshunoslik rivoji va yangi bosqichi // O'zbekistonda turizmni – B. 178-179; Bobojanov X., Soliyev M.M. "Shon-sharaf" davlat muzeyi ilmiy faoliyati huquqiy asoslarining yaratilishi // O'zbekistonda turizmni – B. 186-187; Чориева Д.А., Ўзбекистон музейлари фаолияти тарихидан (1991-2016 йй.) // O'zbekistonda turizmni – B.188-189; Мўминова Г.Э., Турсунов Х.Н. Қарши давлат университети тарихи музейининг ташкил этилиши ва унинг тузилиши // O'zbekistonda turizmni.... – B. 210-212; Murodov M. Shahrisabz davlat muzey qo'riqxonasida saqlanayotganqadimgi Kesh tangalari haqida // O'zbekistonda turizmni.... – B. 212-213; Toshev A., Abdurahmonov J. Ekspozitsionlarni ta'mirlashda o'zbek-fransuz mutaxassis muzeyshunoslari hamkorligi // O'zbekistonda turizmni.... – B. 216-217; Маматов М., Маматова Н.М. Шаҳрисабз – осмон остидаги очик музей // O'zbekistonda turizmni.... – B. 225-226; Хушвақов Н.О. Шаҳрисабз шаҳридаги музейшунослик тараққийси ва сайёҳлик тизимини ривожлантиришнинг асосий муаммолари ҳақида // O'zbekistonda turizmni.... – B. 228-230 ва бошқалар.

⁶ Қурбонова Д. Хориж музейларида сақланаётган Темурийлар даврига оид тарихий ва маданий ёдгорликлар. Тарих фан.номз. дисс. ... автореферати. – Тошкент, 2009. – 30 б; Ўша муаллиф. Жаҳоннинг йирик музейларида Ўзбекистонга оид коллекцияларнинг шаклланиши ва уларни комплекшлаш тамойиллари. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 31 б.

⁷ Курязова Д.Т. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида). Тарих фан. номз. дисс... автореферати. – Тошкент, 2009. – 30 б; Салимов А.М. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана (теоретические предпосылки и методология проектирования). – Автореф. дисс...докт архит. наук. – Ташкент, 2010 – 58 с; Миралиева Ш.А. Виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истиқболлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2019; Мухамедова М.С. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш истиқболлари (XX аср II ярми – XXI аср бошлари): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2020.

⁸ Альмеєв Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития (1991-2000 гг.) Автореф. дисс...докт...ист...наук. – Ташкент, 2012;

жихатдан ривожлантиришнинг истиқболлари масаласини ўрганишга ҳаракат қилди.

Шунингдек Республика миқёсида уч тилда ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилаётган “Мозийдан садо” журналида ҳам музей иши масалаларига оид туркум мақолалар чоп этилмоқда.

Хорижий давлатларда ҳам музей иши тарихчи олимлар томонидан ўрганиб келинди⁹. Буни Е. Степхен, М.И. Айбиндер, И.А. Новикова, Т.Ю. Юреньева, Ж. Варрен, И.Л. Поп, Ж. Пилип, Г. Нели, П. Котлер, И. Венду каби олимларнинг музей санъати соҳасидаги илмий изланишларида кўриш мумкин.

Айниқса, музейлар тарихи россиялик тадқиқотчилар томонидан атрофлича ўрганилган бўлиб, бу йўналишда қатор диссертация ишлари ҳимоя қилинган¹⁰. Юқорида номлари қайд этилган диссертация ишлари асосан тарих ихтисослиги бўйича ҳимоя қилинганлиги билан қимматлидир.

Хуллас, мавзунинг қисқача тарихшунослиги шундан далолат берадики, музей иши бўйича қатор илмий мақолалар, монографиялар ва ўқув қўлланмалар яратилиб, диссертация ишлари ҳимоя қилинган бўлсада, Ўзбекистон жанубий вилоятлари музейларининг шаклланиши ва фаолияти тарихи яхлит диссертация тарзида тарихчилар томонидан тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф8-211 “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

⁹Arte Isla'mico. Del museo Metropolitano De Arte De Nueva York // Colegio de San Ildefonso septiember de 1994- enero de 1995. – P. 300; Наследники Шелкового пути. Узбекистан: Каталог выставки. – Штутгарт, 1997. – С. 110; The official museum pirectory. American Association of museums. – USA, 1998. – P. 155; Ebadollah Bahari, Bilzad master of Persian painting. – London, 2000. – P. 462; Kjeld von Folsach Frt from the World of Islam in the David Collection. – Copenhagen, 2001. – P. 414; Айбиндер М.И., Новикова И.А. Культурологический аспект деятельности музеев США. Учебное пособие. – СПб., АОС, 2002. – С. 132; Казакова С.Ф. Научное комплектование фондов музеев. – М., 2002; Stephen E. Making Museums Matter. – Published by Smithsonian Books. 2002. – 288 p.; Юреньева Т.Ю. Музеи в мировой культуре. – М.: Русское слово, 2003. – 43 с. Museum of Islamic Art. State Museums of Berlin Prussian Cultural Property. – 2003. – 200 p.; Philip Jodidio Museum of Islamic Art. – Doha, Qatar, 2008. – 210 p.; Neil G Kotler P, Wendy I. Museum marketing and strategy: designing missions, building audiences, generating revenue and resources – 2 nd ed 2008. – 511 p. ; Heaven on Earth. Art from Islamik Lands. – London, 2004. – P. 35; Warren J. Constervation of structure in historic buildings // Architekturnal conservation, 2004. – № 2. – P. 39-49; Лысикова О.В. Музеи мира. – М.: Флинта, 2004; Тельчаров А. Основы музейного дела. – М.: Омега, 2005; Jakubowski R.D. Museum soundspaces and their impact on visitor outcomes: For the Degree of Doctor of Philosophy. Colorado State University Fort Collins. – Colorado: 2011. – 114 p.; Дмитриев С.В. Фонд Этнографического отдела Русского музея по культуре народов Зарубежного Востока: история формирования и судьба (1901-1930-е гг.). – Санкт-Петербург, 2012. – 155 с.; Муналбаева.У.Д. Музейная педагогика история, теория, практика: учебное пособие. – Алматы: “Publicite”, 2013. – 527 с.; Du Cros B., McKercher B.Cultural Tourism. – Routledge: 2 edition. 2015. – P. 290; Pop I.L. Management and sustainable development of museums. PhD thesis. – ClujNapoca: 2017. – P. 42.

¹⁰ Рубан Н. И. История музейного строительства на Советском Дальнем Востоке. 1920-1930-х гг. XX века.. Автореф. дисс... на соиск. уч ст. канд. ист. наук. – Хабаровск, 2001. – 22 с.; Петухов В. В. Становление и развитие художественных музеев на юге Дальнего Востока России. (1930-1956 гг.): Автореф. дисс... на соиск. уч. степ. канд. ист. наук. – Владивосток, 2007. – 22 с.; Поправко Е.А. История музейного дела в Приморском крае (1941-2000 гг.). Автореф... дисс...канд...ист. наук. – Санкт-Петербург, 2007; Саяпарова Е.В. История музейного дела в Бурятии (конец XIX-XXI в.).: Автореф. дисс...канд ист. наук. – Улан-Удэ – 2012 ва бошқ.

Тадқиқотнинг мақсади XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари музейлари шаклланиши ва фаолияти тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда музей иши бўйича давлат сиёсати ва унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида музей ишини яхшилашда моддий-техник таъминотни кучайтириш муаммоларини кўрсатиш;

музей фондларини тўлдириш ва экспонатларга илмий ишлов бериш тадбирларини очиб бериш;

Жанубий вилоятлар музейларида кўргазмаларни ташкил этиш муаммоларини асослаш;

музейларнинг маънавий-маърифий тарғибот соҳасидаги фаолиятини баён этиш;

минтақа музейларининг нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан алоқаларини очиб бериш;

ўрганилаётган вилоятлар қолаверса Ўзбекистонда музейлар ишларини замонавий андозалар асосида янада ривожлантириш учун хулоса, таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон жанубий вилоятлари музейлари фаолияти белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида музей бўйича давлат сиёсати, шунингдек, музей фондларини тўлдириш, кўргазмаларни ташкил этиш, уларнинг маънавий-маърифий тарғибот бўйича фаолияти, соҳада халқаро ҳамкорликни ўз ичига олган масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик тамойили, холислик, фанлараро ёндашув, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, муаммовий-хронологик каби илмий-тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида музейларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар (1990 йиллар ўрталаригача), давлат бюджетидан ажратилмаган маблағларнинг танқислиги (1994-2008 йиллар) ва музейларнинг юридик ташкилот сифатида шаклланиши, нодавлат музейлар, уй музейларининг яратилиши каби (XXI асрнинг 2-ўн йиллиги) уч босқичда кечганлиги аниқланган;

мустақилликнинг дастлабки йилларида музейларнинг ўз вазифасига мослаштирилмаган биноларда жойлашуви музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳолатига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланган;

музейлар фаолиятидаги бошқарув бир нечта муассасалар томонидан олиб борилганлиги, давлат музейларига бюджет маблағлари кўп ҳолларда фақатгина музей фаолиятини сақлаб туриш ва таъмирлаш ишлари учун ажратилганлиги, натижада музейлар хизматларининг сифати замонавий талабларга ва халқаро стандартларга жавоб бермаганлиги далилланган;

музейларда малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, ҳудудда туризм инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, жаҳоннинг машҳур музейлари билан ҳамкорлик алоқалари, хорижда тажриба алмашиш ва малака ошириш хизматлари суств бўлганлиги кабилар экспедициялар ташкил этиш, экспонатларга ишлов бериш, уларни замонавий жиҳозлар билан бойитиш ва сервис хизматини яхшилаш жараёнларига салбий таъсир кўрсатганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон жанубий вилоятлари музейлари иши, музей фондларини тўлдириш, маънавий-маърифий муассаса сифатидаги ўрни ва фаолиятини ривожлантиришда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти, мазкур масканларда кўргазмаларнинг ҳолати ҳақида маълумот берувчи кўплаб давлат архивлари фондлари ҳужжатлари илк бор илмий муомалага киритилган;

минтақа вилоятлари музейлари ишини йўлга қўйишдаги ютуқлар ва муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолисона ёритилган;

ўрганилаётган ҳудуд вилоятлари музейларининг шаклланиши ва фаолияти Ватан тарихшунослигида илк бор 1991-2021 йиллар доирасида тадқиқ этилиб, илмий изланишлар бўйича ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги диссертацияда қўйилган масалалар 1991-2021 йилларда Ўзбекистон жанубий вилоятларида музейларнинг шаклланиши ва фаолиятига доир архив ҳужжатлари, жумладан, республика¹¹, Қашқадарё¹², Сурхондарё¹³ вилоятлари давлат архив фондларидаги ҳужжатлар, даврий матбуот материаллари¹⁴ асосида ёзилгани, музей соҳаси мутахассислари орасида ижтимоий сўровномалар¹⁵ ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти изланишлар натижасида тўпланган маълумотлар, ҳулосалар, назарий умумлаштирилган Ўзбекистонда музейлар иши тарихига оид тарихий тадқиқот усуллари ҳамда музейлар тарихига доир маълумотларни бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан музей иши билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, диссертациянинг материаллари

¹¹ Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА) М. 7-фонд; Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви. М. 38-фонд.

¹² Қашқадарё вилоят давлат архиви (Қашқадарё ВДА). М. 687 -фонд.

¹³ Сурхондарё вилоят давлат архиви (Сурхондарё ВДА). М. 454-фонд.

¹⁴ “Халқ сўзи”, “Маданият” “Қашқадарё”, “Кеш”, “Сурхон тонги”, “Термиз окшоми” газеталари ва “Мозийдан садо” журнали.

¹⁵ “Ўзбекистон жанубий вилоятларида музейлар ишларининг шаклланиши ва ривожланиши (1991-2021 йй.)” мавзусида сўровнома шаклдаги ижтимоий тадқиқот ўтказилди. Унда қатнашганларнинг 40 фоизини ўқувчилар ва талабалар, 60 фоизини музей ходимлари ташкил қилди. Ёш таркиби бўйича эса, 70-80 (20 фоиз), 60-70 (5 фоиз) ёшдаги ходимлар иштирок этдилар. Тадқиқотда 40 та сўровнома тарқатилган бўлиб, шундан 25 таси яроқли деб топилган. Сўровномада мавзуга оид жами 15 та савол ўрин олган эди.

ва назарий хулосаларидан эса дарслик, ўқув қўлланма ҳамда монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX асрнинг охири-XXI асрнинг бошларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари музейлари шаклланиши ва фаолияти тарихини илмий тадқиқ этиш бўйича қўлга киритилган натижалар асосида:

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида музейларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар (1990-йиллар ўрталаригача), давлат бюджетидан ажратилмаган маблағларнинг танқислиги (1994-2008 йиллар) ва музейларнинг юридик ташкилот сифатида шаклланиши, нодавлат музейлар, уй музейларининг яратилиши (XXI асрнинг 2-ўн йиллиги) каби уч босқичда кечганлиги, мустақилликнинг дастлабки йилларида музейларнинг ўз функциясига мослаштирилмаган биноларда жойлашуви музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳолатига салбий таъсир кўрсатганлиги, музейлар фаолиятидаги бошқарув бир нечта муассасалар томонидан олиб борилганлиги, давлат музейларига бюджет маблағлари кўп ҳолларда фақатгина музей фаолиятини сақлаб туриш ва таъмирлаш ишлари учун ажратилганлиги, натижада музейлар хизматларининг сифати замонавий талабларга ва халқаро стандартларга жавоб бермаганлиги каби хулосалардан Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг бўлимларидаги экспонатлардан кўرғазмалар ташкил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 4 мартдаги 05-12-08-1182-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар тарғиботида музейлар ҳал қилувчи соҳалардан бири эканлигини асослаб бериш имконияти яратилган;

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида музейлар тизимидаги кенг қамровли ислохотлар ва уларнинг натижалари, музейлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бу масканларда кўрғазмаларни ташкил этиш муаммолари, соҳа бўйича халқаро алоқалар тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг Қашқадарёда музейлар тизимидаги ислохотларнинг натижаларига бағишланган кўрсатувида ҳамда 2020 йил 4 июль куни эфирга узатилган “Мерос” номли радиоэшиттиришининг дастурий сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 25 февралдаги 04-15/402-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар телетомошабинлар ва радиотингловчиларнинг Ўзбекистонда музейлар фаолияти ва соҳадаги ислохотлар тўғрисида янги илмий маълумотларга эга бўлишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 5 та халқаро конференция ва 5 та Республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини

чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 3 та мақола, жумладан, Республика журналларида 5 та ва хорижий журналларда 8 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб берилган. Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, илмий натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда музейлар фаолияти бўйича давлат сиёсати ва унинг жанубий вилоятларга татбиғи”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда музейлар фаолияти бўйича давлат сиёсати ва унинг натижаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида музейларни шаклланиши, ривожланиши, тарихий босқичлари ва моддий-техник таъминотни кучайтириш муаммолари баён этилган. Мазкур бобнинг *биринчи параграфи* – **Ўзбекистонда музейлар фаолияти бўйича давлат сиёсати ва унинг натижалари** музейлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар моҳияти очиқ берилган.

Музейлар маданий-тарихий ва табиий-илмий кадриятларни мушоҳада қилишга мўлжалланган ижтимоий ахборот институтини ўзида намоён этиб, турли қадимги ашёларни тўплаш ва сақлаш, жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилувчи ихтисослаштирилган маданий-маърифий ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Ушбу диссертацияда Ўзбекистонда ҳам истиклол даврида музейлар ишини йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратилганлиги, ўзбек халқининг бой тарихини жаҳон жамоатчилигига танитиш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни кенг миқёсида тарғиб этиш мақсадида давлат томонидан қатъий чора-тадбирлар олиб борилганлигини ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Музейлар иши бўйича Ўзбекистоннинг илк хужжатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрь 618-сон “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹⁶, 1995 йил 26 июндаги “Республика музейлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларини қайд этиш мумкин¹⁷. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадарё ва

¹⁶ <https://lex.uz/ru/docs/942924>

¹⁷ <https://nrm.uz/contentf?doc=459329>

Сурхондарё вилоятларида муайян чора-тадбирлар олиб борилди. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи учун янги бино қурилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Қолаверса, музейларнинг тузилишида жиддий ўзгаришлар амалга оширилиб, бўлимлар қайтадан ташкил этилди. Музейлардаги инқилобгача давр бўлими тарих бўлимига, совет даври бўлими эса халқ амалий санъати бўлимига айлантирилди¹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги ПФ-1913-сон “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонининг¹⁹ эълон қилиниши ҳам музейлар ишини йўлга қўйишда муҳим дастурий аҳамиятга эга бўлди.

Истиклолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда Темурийлар тарихи Давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси ва Термиз Археология музейлари янгидан ташкил этилди. Музейларнинг илмий концепцияси қайта кўриб чиқилиб, экспозициялари такомиллаштириб борилди. 1996 йил 14 ноябрда Шаҳрисабз шаҳридаги “Чубин” мадрасаси биносида Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи ташкил этилди²⁰.

Музей ишини йўлга қўйишда 2008 йил 26 июнда “Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида”ги²¹ Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда Ўзбекистон музейлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари аниқ кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида музейлар ишлари бўйича қарорларининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Масалан, 2015 йил 20 февралдаги “Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида “Ўлкашунослик” музейи объектини қуришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги,²² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида “Мақом музейи” фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”²³ги 2018 йил 6 августдаги 621-сон қарорлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда музейлар ишини ривожлантириш бўйича давлат томонидан қаратилган катта эътибор туфайли музей тармоқлари кенгайиб борди. Масалан, 1995 йилда Ўзбекистонда 66 та давлат музейлари фаолият кўрсатган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 99 тага етди²⁴. Айниқса, Сурхондарё вилоятида янгидан ташкил этилган музейлар сони кўпайиб борди. Масалан, 2017 йили Сурхондарё вилоятида 29 та давлат ва нодавлат музейлари ишлаб турди²⁵.

¹⁸ ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 6-варак.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Тошкент, 1998. №1. – 31-модда.

²⁰ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 1-варак.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. – №6 (1386) сон.

²² Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг 2019 йил 1-чораги давомида амалга оширган ишлари ҳисоботи папкаси, 2-варак.

²³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Тошкент, 2018. – № 1633-сон.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами 2004. – Тошкент, 2005. – Б.137 (396).

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Сурхондарё вилоятида музейлар ҳамда музей иши билан боғлиқ бўлган кўргазма муассасалари фаолиятини ўрганиш бўйича йиғма жилди папкаси, 14-15-вараклар.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси Давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида²⁶”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрь 936-сон қарорига мувофиқ Қарши ва Термиз давлат университетлари тузилмасида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ташкил этилди²⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириғига асосан “Мудофаа тарихи” давлат музейи ташкил этиш чора-тадбирлари олиб борилди²⁸. Шунингдек, 2019 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 443-сон “Сармишсой”, “Шаҳрисабз”, “Термиз” ва “Қўқон” давлат музей-кўриқхоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида²⁹”ги қарори эълон қилинди. Қарорга мувофиқ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларнинг атрофидаги тарихий муҳит билан бирга асраш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида “Шаҳрисабз” давлат музей-кўриқхонаси – Қашқадарё вилояти Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи негизида, “Термиз” давлат музей-кўриқхонаси – Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи таркибида ташкил этилди³⁰.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрь 936-сон қарорига мувофиқ Қарши давлат университети тузилмасида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ташкил этилган бўлиб, бу музей Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ мажмуасида фаолият кўрсатган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 август куни шаҳидлар хотираси куни муносабати билан берган тавсияларига кўра мазкур музей Қарши шаҳридаги XIV аср иккинчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилган Одина мажмуасига кўчирилди. 2021 йилнинг 11 октябрда ушбу мажмуага давлатимиз раҳбари ташриф буюриб, мазкур маскан фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида ўз тавсияларини берди. Ушбу музей 4 та зал 11 та бўлимдан иборат бўлиб, ички ва ташқи туристлар зиёратгоҳига айлантирилди. Мазкур масканда Қарши давлат университети тарих факультети талабаларининг ўқув жараёнлари ҳам олиб борилмоқда. Талабалар ва тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, юртбошимиз ўша куни Қарши тумани Қовчин кишлоғидаги Абу ал-Муъийн Ан-Насафий мажмуасини ҳам зиёрат қилиб янада ободонлаштириш бўйича ўз маслаҳатларини берди ва ташкил этилган музей фаолияти билан яқиндан танишди³¹.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Тошкент, 2017. 0317-сон.

²⁷ Қарши давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг жорий архиви. Музейнинг 2019 йил ҳисобот папкаси, 1-варак.

²⁸ Қашқадарё вилоят маданият бошқармаси жорий архиви. Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг 2019 йилги ҳисоботи папкаси, 2-варак.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Тошкент, 2019. 3214-сон.

³⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.05.2019 й., 09/19/443/3214-сон.

³¹ <https://bugun.uz/2021/10/11/prezident-qashqadaryodagi-qatagon-qurbonlari-xotirasi-muzeyiga-bordi>.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида рўйхатга олинмаган бир қатор музейлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Умумтаълим мактаблари музейлари³², Абдулла Орипов³³, Рўзи Чориев, Обод Жўрақулов³⁴ каби таниқли шахсларнинг уй музейлари, Қарши давлат университети ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти³⁵ музейлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Қарши шаҳрида Ватанпарварлар боғи мажмуаси, вилоят архив бошқармаси, “Шўртангазкимё” ташкилоти, Муборак газ конлари бошқармаси каби ташкилотларда ҳам музейлар ташкил этилди.

Кўринадики, мустақиллик даврида мамлакатимизда музейлар фаолияти бўйича давлат сиёсати муваффақиятли амалга оширилди ва қутилган ўз самараларини берди.

Биринчи бобнинг *иккинчи параграфи* – **“Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида музейларни шаклланиши, ривожланиши тарихий босқичлари ва моддий-техник таъминотини кучайтириш”** деб номланади. Минтақада бу даврда музейлар учун янги бинолар қуриш, уларга ажратилган маблағ, кўргазма залларини жиҳозлашга доир маълумотлар ёритилган.

Республика музейлари тармоқларининг кенгайтирилиши ўз ўрнида улар моддий-техник базасини мустаҳкамлашни ҳам талаб этди. Аммо Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ўлкашунослик музейларида доимий равишда мослаштирилган замонавий бино масаласида қийинчиликлар юзага келди³⁶. Ўлкашунослик музейлари экспонатлари ниҳоятда хилма-хил ва ранг-баранг бўлиб, уларни тўлақонли намойиш этиш учун кўргазма заллари етишмади³⁷.

Термиз Археология ва Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейларининг моддий-техник базаси ўлкашунослик музейларига нисбатан анча устун эди³⁸. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик кўриш доирасида 2001 йилда Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз Археология музейи биносининг қурилиши бошланди³⁹. Шаҳрисабз музейи биносини таъмирлаш учун Республика бюджетидан 60.0 млн. сўм, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан эса 70.0 млн. сўм миқдорида ва тарихий ёдгорликлар атрофини ободонлаштириш учун 100 млн. сўм миқдорида молиявий кўмак берилди⁴⁰.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ўлкани ўрганиш музейлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш

³² Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Сурхондарё вилоятида музейлар ҳамда музей иши билан боғлиқ бўлган кўргазма муассасалари фаолиятини ўрганиш бўйича йиғма жилди папкаси, 9-варақ.

³³ Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби директори Убайдулла Орипов билан суҳбат (2021 йил 6 январь)

³⁴ Обод Жўрақуловнинг ўғли Хуршид Жўрақулов билан суҳбат (2021 йил 20 август).

³⁵ Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири, т.ф.д., профессор Ю. Эргашева билан суҳбат (2018 йил 20 январь).

³⁶ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 430-иш, 7-8-варақлар.

³⁷ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 2-варақ.

³⁸ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 849-иш, 18-19-варақлар.

³⁹ Турсунов С. ва бошқ. Термиз тарихи. – Тошкент: Янги нашр, 2019. – Б. 262-263.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1160-иш, 17-варақ.

тўғрисида”ги⁴¹ 2017 йил 11 декабрь 975-сон қарорига асосан вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи номи билан қайта ташкил этилди. Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи 4 маротаба кўчирилиб, 2018 йили жаҳон андозаларига мос жиҳозланган замонавий бинода иш бошлади⁴². 2019 йилда Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи учун давлат бюджетидан 870 820 000 сўм маблағ ажратилди⁴³.

Хуллас, Ўзбекистонда музейлар ишлари давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айлантирилиши юзасидан чора-тадбирлар олиб борилиши натижасида мазкур тармоқ анча кенгайиб, қатор музейлар давлат музей-қўриқхонасига айлантирилди ва улар учун янги бинолар барпо этилди. Бу тадбирларнинг барчаси республикада ушбу тармоқнинг ривожланишига, улар фондининг бойишига, инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофик такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар бошланишига олиб келди. Ўлкашунослик музейлари кўп йиллар давомида, асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобига фаолият юритган эди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон жанубий вилоятлари музейларида илмий фаолият, фондларни тўлдириш ишлари ва кўرғазмаларни ташкил этиш тадбирлари”** деб номланган иккинчи бобида музейларда илмий-тадқиқот ишлари, фондларни бойитиш ва экспонатларга илмий ишлов бериш тадбирлари, ҳамда ўрганилаётган минтақа музейларида кўрғазмаларни уюштириш баён этилган.

Ушбу бобнинг *биринчи параграфи* – **“Музейларда илмий-тадқиқот ишлари, фондларни тўлдириш ва экспонатларига илмий ишлов бериш”** тадбирлари деб номланган. Музейларнинг турлари, тоифалари ва мулк шаклига кўра давлат ва нодавлат музейларга бўлинади, ихтисослашувига кўра коллекцияларни сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этишга ихтисослашган музейларга ва тарихий-маданий қўриқхоналарга бўлинади⁴⁴. Музейлар воҳалардаги асосий маънавий-маърифий марказлардан бири ҳисобланади. Музейлардаги илмий-тадқиқот ишлари тарихий ашёларни ўрганиш йўли билан амалга оширилади. Хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейларида воҳалар тарихига доир турли мавзуларда изланишлар олиб борилиб, бунда асосан этнография ва археологияга доир мавзулар етакчилик қилган. 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Археология институти томонидан қадимги Термиз шаҳрида олиб борилган археологик казиш ишларида Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходимлари ҳам қатнашдилар⁴⁵. Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходимлари эса Шаҳрисабз музейидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Тошкент, 2017, 0398-сон.

⁴² Иноятова С. Сурхондарё вилоят тарихи ва давлат музейи – давлатчилик тарихимиз кўзгуси // “Музейлар-миллатимиз фахри-ғурури ва маънавиятимиз кўзгуси” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Янги нашр, 2019. – Б. 7.

⁴³ Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи жорий архиви. Музейнинг 2019 йил учун ҳисобот папкаси, 1-15-варақлар.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 37-38-сон, 26-модда.

⁴⁵ Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг жорий архиви. Музейнинг 1995 йилдаги қилинган ишлари йиллик ҳисоботи папкаси, 8-9 варақлар.

Кеш-Шахрисабз шаҳрининг ёшани аниқлаш бўйича Китоб туманидаги Подаётқоттепа, Сангиртепа, Узунқир манзилгоҳларида илмий изланиш ишларида иштирок этишди⁴⁶. Бундан ташқари, музей илмий ходимлари халқаро микёсдаги тадқиқот ишларида ҳам қатнашишди. Масалан, 1998-1999 йилларда Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи археология бўлими илмий ходимлари Эски Термиз харобаларида Ўзбек-Француз гуруҳи экспедициясида,⁴⁷ Музрабод туманининг Сополлитепа ёдгорликларида олиб борилган халқаро илмий археология экспедицияларида изланишлар олиб боришди⁴⁸.

Археологик тадқиқотлар натижасида топилган ва аҳолидан олинган осори-атика буюмлари ҳисобига музей фондлари тўлдирилиб борилди. 1995 йили Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи илмий фондидаги экспонатлар сони 81026 тани ташкил этган эди⁴⁹. Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида шу йили 18475 та илмий карточка тузилган экспонатлар сақланди⁵⁰.

Музейлар фондларида илмий жиҳатдан ишланган тарихий буюмлар миқдори ортиб борди. Масалан, Термиз Археология музейида ҳам бу каби тадбирлар олиб борилди. 2006 йили бу музейда илмий ишлов берилган тарихий ашёлар сони 55 донани, умумий илмий ишлов берилган ашёлар сони эса 392 донани ташкил этди⁵¹.

2012 йилда Амир Темур номидаги Шахрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи фондини тўлдириш мақсадида олиб борилган 1-илмий археологик экспедиция тарих фанлари номзоди Н.Хушвақтов раҳбарлигида ЎзФА Археология институти илмий ходимлари билан биргаликда “Ўрта асрлар маданияти” мавзусида 2012 йил август-сентябрь ойларида Оксарой ёдгорлигида ўтказилди⁵².

Хуллас, ўрганилаётган давр мобайнида жанубий вилоятлар музейларида илмий-тадқиқот ишлари, фондларни тўлдириш ва экспонатларга ишлов беришда маълум ижобий натижаларга эришилганлиги тадқиқотимиз жараёнида ўз тасдиғини топди.

Иккинчи бобнинг *иккинчи параграфи* – **“Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейларида кўрғазмаларни ташкил этиш”** деб номланади. Кўрғазмалар, аввало муайян музей йўналишидан келиб чиқиб шакллантирилади. Ўлкашунослик ва тарих музейларида кўрғазмаларни ташкил этишда тарихийлик тамойилларига жиддий амал қилинди. Бунда буюмлар даврий кетма-кетликда жойлаштирилади. Умуман музей кўрғазмалари визуал алоқанинг бир тури бўлиб, унинг мақсади музей экспонатлари ва санъат асарлари, ёзма ахборот воситалари, деворий матнлар, ёрликлар орқали томошабинларга ахборот беришдир⁵³. 1994 йилда Қашқадарё вилоят ўлкани

⁴⁶ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 541-иш, 3-варак.

⁴⁷ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 700-иш, 8-варак.

⁴⁸ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 842-иш, 6-7 варақлар.

⁴⁹ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 26-варак.

⁵⁰ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 12-варак.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 452-иш, 52-варак.

⁵² Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1747-иш, 10-варак.

⁵³ Воронцов Б. Забота о посетителях. Методы работы с аудиторией, не требующей больших затрат. // Материалы российско – британского семинара “Музеи в период перемен”. СПб., 1997. – С. 89.

ўрганиш музейида “Истиклол ва маданий мерос”, “Қашқадарё вилояти ва хорижий давлатлар ҳамдўстлиги”, “Дўстлик – ҳамкорлик самараси”, “Музейлар-тарих ойнаси”, “Қашқадарё вилоятининг 70 йиллигига бағишланади”, “Мирзо Улуғбек-буюк мунажжим” ва бошқа долзарб мавзуларда кўрғазмалар ташкил қилинди⁵⁴.

Музейларда ҳар бир кўрғазма учун мавзу режалари тузилиб, илмий методик кенгашда тасдиқланди. 1999 йили Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида аҳоли ва ўқувчи ёшларни ўзбек халқининг бой маданий мероси билан кенг таништириш мақсадида Қашқадарёнинг “Халқ амалий санъати”, “Еркўрғон ёдгорлигининг янги топилмалари” мавзуларида кўрғазмалар ташкил этилди⁵⁵.

Жанубий вилоятларнинг музейлари ишининг яхшиланиб бориши натижасида кўрғазмалар сони ҳам ортиб борди. Масалан, 2007 йил давомида Термиз Археология музейида ўтказилган кўрғазмаларнинг умумий сони 10 тани, музейдан ташқари 4 тани ташкил этди. Кўрғазмалар, асосан, “Қайтарилган бойликлар”, “Самарқанд ва Термиз Буюк ипак йўлида” каби мавзуларда ташкил этилди. Музейларда кўрғазмалар сонининг ортиб бориши уларда экспонатлар миқдорининг кўпайиши билан боғлиқ. Масалан, 2008 йилда Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи “Мерос” тармоқ музейи кўрғазмаларига 554 та экспонат қўйилди⁵⁶.

Музей кўрғазмаларини турли халқаро анжуманлар ва фестиваллар доирасида ташкил этиш ҳам анъанага айланиб борди. Жумладан, 2008 йил баҳорида Китоб туманида ўтказилган “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивалида Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи ҳам ўзининг этнографик “Накшлар жилоси” кўрғазмаси билан қатнашди. Кўрғазмага 30 минг нафардан ортиқ хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буюришди⁵⁷.

Музейларда тез-тез тасвирий санъат асарлари кўрғазмалари ҳам ташкил этиб турилди. Масалан, 2018 йил 5-10 октябрда Термиз Археология музейи кириш залида рассом Лазиз Убайдуллаевнинг тасвирий санъат асарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди⁵⁸. Шаҳрисабз “Мақом музейи” биносида устоз санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Эл-юрт хурмати” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари соҳиби Элмурод Боймуродов ҳаёти ва ижодига бағишланган “Санъатга бағишланган умр” мавзусида фото кўрғазма ташкил қилинди⁵⁹.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари музейларида виртуал кўрғазмалар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Музейшуносликда замонавий

⁵⁴ ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 85-варақ.

⁵⁵ ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 2-варақ.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1050-иш, 16-варақ

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1057-иш, 24-варақ

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Термиз археология музейининг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисида ёзма ҳисоботи папкасидан, 56-варақ.

⁵⁹ Қашқадарё вилоят маданият бошқармаси жорий архиви. Қашқадарё вилоят Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейининг 2019 йилги ҳисоботи папкасидан, 10-варақ

экспозиция тузишнинг бир неча усуллари мавжуд: “реал” ва “виртуал”. “Реал” экспозицияларни Марказий Осиё давлатларида кўплаб учратиш мумкин, “виртуал” экспозиция эса асосан чет давлатларда кўлланилади. Қолаверса, “виртуал” сўзи замонавий музейшуносликнинг муҳим бир йўналишига айланди⁶⁰. XX асрнинг 90-йилларида музейшуносликка кириб келган “виртуал музей” тушунчаси бугунги кунда замонавий музейшуносликнинг бош йўналишига айланиб улгурди⁶¹. Ўтган XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида жаҳон ахборот тизимига шиддат билан кириб келган халқаро интернет тармоғи ҳозирги кунда глобаллашув даврида бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан етакчи ўринни эгаллади⁶².

Ўзбекистон бўйича 20 та музейнинг “Виртуал музей” маълумотлар базаси яратилди⁶³. 2018 йил 3-28 майда ташкил этилган Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи “Жаҳон музейларида сақланаётган темурийлар даври ноёб ашёлари” мавзусидаги виртуал кўргазмада 7000 нафардан ортиқ томошабинлар иштирок этдилар⁶⁴.

Музейлар маданий-маърифий муассаса бўлиши билан бирга, асосий илмий тадқиқот марказларидан бири сифатида ходимлар томонидан турли тарихий мавзуларда изланишлар ҳам олиб борилади. Музейлар илмий ходимлари халқаро миқёсдаги тадқиқот ишларида ҳам фаол қатнашдилар. Мазкур масканларда ташкил этилган кўргазмалар, аввало муайян музей хусусиятидан келиб чиқиб шакллантирилди. Ўзбекистон тарих музейларида эса янги кўргазмаларни шакллантиришда, асосан, тарихий жараёнлар таҳлиliga кўпроқ аҳамият қаратилди.

Демакки, истиқлол даврида ўрганилаётган ҳудуд музейларида кўргазмалар ташкил этилиб, халқимиз маънавиятини янада оширишга хизмат қилди.

Хуллас, ўрганилаётган даврда жанубий вилоятлар музейларида маълум даражада илмий тадқиқот ишлари, фондларни тўлдириш ва уларга ишлов бериш ҳамда кўргазмалар ташкил этиш бўйича муайян натижаларга эришилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Диссертациянинг учинчи боби – **“Музейларнинг маърифий тарғиботчилик фаолияти ва соҳа ривожиди халқаро ҳамкорликнинг ўрни”** да Жанубий вилоятлар музейларининг маънавий-маърифий тарғибот бўйича ишлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари таҳлил этилган.

Учинчи бобнинг *биринчи параграфи* – **“Музейларнинг маънавий-маърифий тарғибот соҳасидаги фаолияти”** деб номланади. Жанубий ҳудудлар музейларида доимий равишда маънавий-маърифий тадбирларда

⁶⁰ Қаюмова Ш. Музейлар ва замонавий технологиялар // Мозийдан садо, 2013. №1 (57). – Б. 10.

⁶¹ Қурбонова Д. Замонавий музейшунослиқда виртуал кўргазмаларнинг истиқболлари // Ўзбекистон музейлари истиқболлари илмий қўлланма. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 38.

⁶² Болтабоев Ф. Ўзбекистон музейлари ва интернет: муаммолар ва уларни ҳал этиш // Музейлар замонавий Ўзбекистон маданияти тизимида. – Тошкент: San'at, 2007. – Б. 36.

⁶³ Халқ сўзи. 2019 йил 18 май. № 102 (7332).

⁶⁴ Ganiev A.G, T.D. Xudoyqulov, D.A.Maxmudov, M. Elboyeva, M.O.Abduraxmonov. A MIND MAP TO SHOW THE PLACE OF THE GENERATIONS OF THE BABURIANS IN THE WORLD CIVILIZATION. PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(2): 3500-3504

хусусан, шаҳарларнинг юбилей саналари, тарихий шахсларнинг таваллуд кунлари, Ўзбекистон тарихининг муҳим воқеалари ва ёшлар ўртасида диний экстремизмга мойиллик, ҳуқуқбузарликни бартараф этиш мавзуларида анжуманлар ташкил этилди. Мазкур вилоятлар музейлари Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон, каби шаҳарларнинг юбилейларига атаб кўргазмалар уюштиришди. Масалан, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб, Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи экспозициясини янгилаш тадбирлари амалга оширилди. Юбилейга бағишлаб ташкил этилган кўргазмаларда ўзбек халқининг бой ва қадимий маданий мероси давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг 2700 йиллик тараққиёт босқичлари ҳамда замонавий ривожланиш истиқболлари мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг акс эттирилди⁶⁵. 2006 йил 17-19 май кунлари Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган Ўзбекистон музейлари фестивалида Термиз Археология музейи жамоаси иштирок этиб, мавзули экспозиция режаси асосида 100 та экспонатдан иборат кўчма кўргазмаси билан қатнашди⁶⁶. Бундан ташқари, 2010 йили Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейининг янги биносида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан давлатчилик ва шаҳарсозлик тарихига бағишланган кўргазма ташкил этилди⁶⁷. Бу каби тадбирлар музейлар тарихий шаҳарларнинг юбилейларини нишонлашда фаол иштирок этганлигини ва жараён моҳиятини ёшлар онгига чуқурроқ сингдиришда муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади.

Тадқиқот давомида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида республика музейларининг маънавий-маърифий тадбирлари режасида Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбирлар етакчилик қилди. 1995 йили Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейининг “Халқ амалий санъати” бўлимида “Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланади” мавзусида кўргазма очилди. Унда Соҳибқирон фаолиятига оид тарихий расмлар, тасвирлар, меъморий обидаларнинг намуналари, халқ амалий санъати тури бўлган темирчилик, мисгарлик, кулолчилик, каштачилик, наққошликка оид осори-атиқалар кўйилди⁶⁸. Сурхондарё вилояти музейларида ҳам бу каби тадбирлар ўтказилди. 2006 йил 8-9 апрель кунлари музейда Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб “Соҳибқирон мажмуаси” мавзусида савол-жавобли давра суҳбати ва кўчма кўргазма ташкил этилди⁶⁹. Ҳар бир маънавий-маърифий тадбирлар муайян музейга ташрифлар кўламининг кенгайишига хизмат қилди.

Шунингдек, Жанубий вилоятлар музейларида буюк сиймолар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. 2012 йил 13 февралда

⁶⁵ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1213-иш, 7-варак

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 452-иш, 6-варак.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 13-варак.

⁶⁸ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 9-варак.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 10-варак.

Термиз Археология музейида шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига ҳамда етук шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 529 йиллигига бағишланган анжуманлар бўлиб ўтди⁷⁰. 2019 йили Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи ходимлари шаҳардаги 43-МТТ да Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди кунига бағишланган тадбир ташкил этишиб, буюк сиймонинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазма намойиш қилинди⁷¹.

Ўзбекистон музейлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага ўзбек халқининг қўшган ҳиссасига бағишланган кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келди. Қашқадарё вилоятида ўз ижоди билан ёшлар тарбиясида улар онгига Ватан туйғусини сингдиришда фаоллик кўрсатган жангчи шоирлар ижодини тарғиб этишда вилоят ўлкани ўрганиш музейида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Қаламқаш адиблар Шарофжон Орифий, Тўра Жуман, Чори Ҳамроев, шоир ёзувчиларимиз Бозор Намозов, Шарофат Ашурова, Исмоил Тўхтамишевларнинг ижод намуналари музей кўргазмаларида акс эттирилди⁷². Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходимлари “Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги” мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этиб, унда Хотира китоби ҳақида, “Жангчи хотиралари” (уруш қатнашчилари М.Давлатов, Х.Шоймардоновлар нутқлари), “Ғалабага ишонч – буюк куч”, “Сурхондарёлик жангчилар жасорати”, “Уруш йилларида Сурхондарё саноати”, “Уруш йилларида Сурхондарё қишлоқ хўжалиги” мавзуларида маърузалар қилинди⁷³.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари музейларида маънавий-маърифий тадбирлар орасида ўзбек халқининг азалий урф-одатлари, миллий ва диний кадриятлари, турли байрам тадбирлари, хусусан, янги йил, 8 март, Наврўз ва мустақиллик куни каби саналарга бағишланган анжуманлар ўтказилди.

2010 йил 18 май куни Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи Республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда “18 май – Халқаро музейлар куни” муносабати билан “Музейлар – тарихимиз кўзгуси” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Анжуманда Ўзбекистон халқ бахшиси Шомурод Тоғаев иштирок этди⁷⁴. Музейларда “Халқаро музейлар куни” муносабати билан ҳар йили маънавий-маърифий анжуманлар ташкил этиш анъанага айланиб борди. Бунга таниқли ижодкорлар ёки бирор тарихий воқеанинг фаол иштирокчиси таклиф этилди.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1738-иш, 4-варақ.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи ҳамда унинг филиали “Мақом музейи”да 2019 йилда амалга оширилган илмий-маърифий ишлар тўғрисида ҳисоботи папкаси, 15-варақ.

⁷² Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 10-варақ.

⁷³ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 21-варақ.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 6-варақ.

Хуллас, минтақа музейларида аҳоли, хусусан, ёшлар, маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида ўз ҳиссасини кўшиш мақсадида маълум даражада тизимли маънавий-маърифий тарғибот ишлари олиб борилди.

Учинчи бобнинг *иккинчи параграфи* – **“Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейларининг нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан алоқалари”** деб номланади. Минтақа вилоятлари музейларининг халқаро ҳамкорлигида хорижлик мутахассисларни жалб этиб, улар билан бирга кўшма илмий экспедициялар ташкил этиш, халқаро лойиҳаларда қатнашиш, илмий анжуманлар уюштириш етакчи йўналишларга айланди.

Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи, Термиз давлат университети ва Халқаро этнопедагогика ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорликда 1995 йилнинг апрель ойида Зараутсойда “Жаҳон халқлари педагогикаси тараққиётида Зараутсой мактабининг аҳамияти” мавзусидаги Халқаро симпозиум ташкил этилди⁷⁵. 1997 йилда Ўзбекистонда ўтказилган Украина маданияти кунлари муносабати билан Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида халқ амалий санъати бўлими “Қашқадарё амалий санъати” мавзусида давра суҳбатларини уюштирди⁷⁶.

2000 йилда мазкур музейда “Қарши шаҳри тарихи ва этнографияси, зардўштийлик даҳмалари” мавзусида халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Анжуманда АҚШ, Франция, Германия, Россия, Украина, Туркия, Афғонистон, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Исроил ва бошқа давлатлардан келган олимлар иштирок этдилар⁷⁷. Мазкур анжуманда Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходимлари томонидан “Қашқадарё халқ амалий санъати ва этнографияси” деб номланган кўчма кўргазма намойиш қилинди⁷⁸. Бу тадбирлар ўз ўрнида жаҳонга ўзбек халқ амалий санъати намуналари ва урф-одатлари, расм-русумлари тарғиботида катта аҳамиятга эга бўлди.

Музей ишини яхшилашда хорижий давлатларнинг мутахассислари билан илмий учрашувлар ҳам муҳим роль ўйнади. Масалан, Сурхондарё вилояти Археология музейида 2002 йил 22 апрелда Япония археология экспедицияси вакили К. Като, шу йилнинг 6 май куни россиялик археолог олим В.С.Соловьёв, Россиянинг “Шарқ музейи” катта илмий ходими археолог олим Т.Мкртчев билан илмий учрашувлар ўтказилди⁷⁹. Хорижлик мутахассислар учрашувда музей иши бўйича муҳим маълумотларни баён қилди.

Минтақа вилояти музейлари илмий ходимлари хорижий мамлакатларда музейшунослик бўйича ташкил этилган илмий анжуманларда ҳам ўз маърузалари билан иштирок этди. Термиз Археология музейи катта илмий ходими Т.Аннаев 2008 йилнинг 28 сентябридан – 10 октябригача Ҳиндистонга

⁷⁵ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 21-варақ.

⁷⁶ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 541-иш, 5-варақ.

⁷⁷ Қарши давлат университети профессори, Очил Бўриев билан суҳбат (2020 йил 9 январь).

⁷⁸ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 965-иш, 6-варақ.

⁷⁹ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1206-иш, 7-варақ.

илмий сафарда бўлиб, Дехлидаги “Халқаро марказ” ва Банорас университетиди Кушонлар археологиясига бағишланган илмий семинарда иштирок этди⁸⁰.

Ўзбекистонда ҳозирги замон шароитида музейлар ишини ривожлантиришда ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг ўрни бекиёс бўлди. 2000 йил декабрда Шаҳрисабз шаҳрининг ЮНЕСКОнинг “Маданий мерос” рўйхатида киритилиши, Шаҳрисабзнинг 2002 йил ноябрида 2700 йиллик юбилейини ўтказилиши музейлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди⁸¹. 2000 йили Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг илмий салоҳияти ва унинг фондларида сақланаётган экспонатларнинг ноёблиги ва хилма-хиллиги эътиборга олиниб, Ўзбекистон Миллий музейлар кенгаши орқали Халқаро музейлар кенгашига (ИКОМ) аъзо бўлди⁸². 2011 йил 15 июлда эса Термиз Археология музейи ЮНЕСКОнинг Париждаги Халқаро Музейлар Кенгаши (ИКОМ)га аъзо бўлди⁸³.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музей ишини йўлга қўйишда жаҳондаги етакчи давлатларнинг ўрни масаласи ўрганилганда, бунда АҚШ, Франция, Германия, Чехия, Хитой, ва Япония каби давлатлар етакчилик қилганлиги қайд этиш зарур. 2009 йил апрель-май ойларида Шеробод тумани Пошхурт қишлоғида Ўзбекистон-Германия қўшма экспедицияси археологик тадқиқотларни давом эттирди. Германиянинг Маннхейм шаҳрида чоп этилган каталогда Термиз Археология музейида сақланаётган Кушон шахзодаси хайкали бош тасвири нашр этилди⁸⁴.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги 2012-2013 йилларга мўлжалланган илмий лойиҳага асосан Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи ходимлари 2012 йил давомида Франциянинг SOCRA компанияси билан ҳамкорликда Оксарой ёдгорлиги ҳовлисида жойлашган XIV-XV асрларга оид ҳовуздаги қосинларни таъмирлаш ишларида иштирок этди⁸⁵. 2018 йил 14 сентябрда Термиз Археология музейида Франциянинг Эколь Нормал Супермер университетининг Шарқ ва Ғарб археология ва филология лабораторияси археологиди Сеголен де Понтбрианд ва Термиз Археология музейи илмий ходимлари билан ўзаро тажриба алмашишди⁸⁶.

2018 йил 2 апрелда Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедициясининг 2017 йил июль ойида Шеробод тумани Зарабоғ қишлоғидаги Бургуттепа ва Кайрит-01, Лойлаган қишлоғидаги Искандартепа археологик ёдгорликларида олиб борилган қазилмаларда топилган 38 дона турли даврларга оид мис тангалар ва бир дона дастали идиш музей фондига топширилди⁸⁷.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 40-варақ.

⁸¹ Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1213-иш, 17-варақ.

⁸² Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1736-иш, 8-варақ.

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1577-иш, 5-варақ.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 52-64-варақлар.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1747-иш, 2-варақ.

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Термиз Археология музейининг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисида ёзма ҳисоботи папкаси, 14-варақ.

⁸⁷ Сурхондарё вилояти Термиз Археология музейи жорий архиви. Музейининг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги ёзма ҳисоботи папкаси, 49-варақ.

Япониялик машҳур қадимшунос олим, Токиодаги Сока университетининг профессори, Термиз шаҳри фахрий фуқароси, Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” ордени соҳиби Като Кюдзо 2012 йилнинг 8 ноябрь куни Ўзбекистонда 20 йилдан буён тарихий обидаларда олиб борган илмий-тадқиқот ишлари учун Япония давлатининг “Тўпбарггул ҳошияли тилла рангдаги муқаддас хазина” олтин ордени билан тақдирланди⁸⁸.

Демакки, жанубий воҳа вилоятлари музейлари нуфузли халқаро ташкилотлар ва етакчи хорижий давлатлар олимлари билан ҳамкорлик илмий алоқаларида маълум ижобий натижаларга эришдилар.

Хуллас, Ўзбекистон жанубий вилоятлари музейлари мустақиллик йилларида маълум даражада маънавий-тарғибот ишларини амалга оширдилар. Тадбирларда, асосан шаҳарлар тарихи, буюк шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий ва диний қадриятлар, миллий урф-одатлар ва анъаналар, хулласки ўзбек халқи турмуш тарзининг тарғиботиغا катта эътибор қаратилди. Лекин мазкур вилоятлардаги музейларни халқаро ҳамкорлиги масаласи илмий таҳлил этилганда яна шу нарса аниқландики, мазкур музейлар фаолиятида хориж тажрибасини ўрганиш ва улар билан халқаро алоқаларни йўлга қўйишда оқсоқликларга йўл қўйилган. Шунингдек, минтақа музейларининг бу борадаги фаолияти замонавий даражада эмаслиги, музей фондларини бойитиш ва экспонатларни сақлаш, илмий анжуманлар ташкил этиш, халқаро лойиҳаларда ходимлар иштироки бошқа музейларга нисбатан орқада бўлишига сабаб бўлди. Шу ерда Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи ва Термиз Археология музейи самарали фаолиятини ижобий баҳолаш ўринлидир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон жанубий вилоятларида ХХ асрнинг охири – ХХІ асрнинг бошларида музейларнинг шаклланиши ва фаолияти тарихини ўрганиш натижасида қуйидаги **хулоса, тақлиф ва тавсияларни** баён этиш имкони яратилди:

1. Ўзбекистонда музейлар маърифий муассасалардан бири сифатида маданий меросни намойиш этиш, илмий тадқиқотлар ва таълим-тарбия тадбирларини олиб бориб, жамият ижтимоий ҳаётида коммуникатив ўрин эгаллади. Бу эса Ўзбекистонда музей иши давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланишига ва бу соҳада муҳим чора-тадбирлар олиб борилишига асос бўлди. Тадқиқотда аниқланишича, мустақилликнинг дастлабки йилларида музейлар фаолиятини тартибга солиш бўйича етарли ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлмай, уларнинг моддий-техник базаси ночор ҳолатда, фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига кун кечириб келди. Аммо кейинги йилларда республиканинг турли шаҳарларидаги музейлар бўйича алоҳида давлат ва ҳукумат миқёсидаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши, тарихий шаҳарлар (Термиз, Шаҳрисабз, Қарши) юбилейларининг

⁸⁸ Като Кюдзо // Термиз оқшоми, 2012 йил, 42-43 (347).

нишонланиши, маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайтирилиши муносабати билан музей ишилари янада яхшиланиб, Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи, Термиз Археология музейлари тарихий шаҳарларнинг юбилейлари муносабати билан ташкил этилди.

2. Музейлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш, улар ишини такомиллаштириш, бошқарувини яхшилаш, музей фонди ва унинг давлат каталоги, коллекцияси ишларини яхшилаш, миллий музей фондининг ҳолати устидан умумий давлат назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Музейлар тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонун ва бошқа шу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши музейлар ишини тубдан яхшилашга хизмат қилди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлар ўлкашунослик музейлари мақоми вилоятлар тарихи ва маданияти давлат музейи тарзида ўзгартирилди. Мазкур музейлар учун янги бинолар барпо этиш чора-тадбирлари кўрилди. Ўзбек миллий мақом санъатига бағишланган “Мақом музей” ва миллий созлар лабораториясининг ташкил этилиши эса соҳага оид музей ашёлари ва коллекцияларини тўплаш, мақом санъати ва тарихига оид бой маданий меросни жаҳонга тарғиб этиш, унинг мумтоз ва замонавий намуналари фондини яратилишига асос бўлди.

3. Ўзбекистонда тарихий шаҳарлар ва таниқли шахслар юбилейларининг нишонланиши, туризм, қатағон қурбонлари хотирасини адабийлаштириш борасида қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ўз ўрнида музейлар ишини йўлга қўйишга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ички ва ташқи туризмни ривожлантириш мақсадида маданий мерос объектларини ўрганиш ва улар атрофини ободонлаштириш, қатағон қурбонларини аниқлаш ва уларнинг хотирасини адабийлаштириш жараёнларида музейлар асосий роль ўйнади.

4. Ўзбекистонда музейлар маданий-маърифий муассаса бўлиши билан бирга муҳим илмий тадқиқот марказлари ҳам ҳисобланади. Музейлар воҳаларда археология ва этнография соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларда ва тарихий ёдгорликларни ўрганиш юзасидан ташкил этилган экспедицияларнинг фаол иштирокчиси бўлди. Музей ходимлари илмий қидирувлар ташкил этиш, фондларни тўлдириш, тарихий буюмлар излаб топиш ва уларга ишлов бериш ишларида фаол иштирок этганликлари музейлар ишларининг ривожланишига хизмат қилди.

5. Музейлар фаолиятини баҳолашда ташкил этилган кўرғазмалар муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис, музейларда кўрғазмалар сони кўпайтирилиб, уларнинг мазмуни бойитиб борилди. Тарих йўналишидаги музейларда муайян воҳанинг қадимги давридан бошлаб XXI асргача бўлган йилномасини ёритувчи янги кўрғазмалар ташкил этишга аҳамият қаратилди. Шунингдек, кўрғазмалар муайян бир мавзу доирасида ташкил этилиб, шу мавзулар бўйича томошабинларга етарли даражада маълумотлар берилди.

6. Термиз Археология музейи Марказий Осиёда ягона бўлиб, кўргазмаларда намоиш этилган экспонатлар қадимийлиги билан қимматли ҳисобланади. Мазкур музейда жаҳон аҳамиятига эга нодир экспонат намуналари ҳам сақланади, чунки улар, асосан, ўзбек-япон, ўзбек-немис, ўзбек-француз, ўзбек-рус, ўзбек-хитой, ўзбек-испан, ўзбек-корейс ва ўзбек-чех кўшма экспедициялари илмий-археологик изланишлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик натижасида шакллантирилган. Бу борада Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи жамоаси фаолиятидаги ибратли ишларини қайд этиш зарур.

7. Ўзбекистон жанубий вилоятлари музейлари доимий равишда маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишиб, қадимий шаҳарларнинг юбилейлари, таниқли сиймолар таваллуд кунлари, Ўзбекистон тарихининг муҳим саналарига бағишланган, ёшлар ўртасида диний экстремизм, ҳуқуқбузарликка қарши кураш каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишда фаол қатнашди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, республика, жанубий минтақа музейларининг маънавий-маърифий тадбирлари режасида Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган маърифий тадбирлар устуворлик касб этган.

8. Ўзбекистонда музей ишини йўлга қўйишда халқаро нуфузли ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши соҳа ривожидида муҳим роль ўйнади. Хорижлик мутахассислар билан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейлари илмий ходимлари ноёб ашёларни излаб топиш, фондларда сақланаётган экспонатларни илмий тадқиқ этиш, консервация қилиш ва музейлаштириш, виртуал музей яратиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ишларини олиб борди. Таҳлилларимиз асосида шундай хулосага келиш мумкинки, минтақанинг қадимий тарихимизни жаҳонга тарғиб қилиш имкониятлари тўла ишга солинмади, бугунги кунда музейлардаги тарихий экспонатларни сақлаш ва асраш муаммолигича қолиб келмоқда.

Тадқиқот илмий хулосалари асосида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари маданий мерос объектлари сони бўйича Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллашини ҳисобга олиб, мавжуд дурдоналарни тарих йўналишида ўрганиш ва улардаги осори-атиқаларларни музейлаштириш бўйича ҳукуматнинг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга ва амалиётга жорий этишга яқиндан кўмаклашиш;

2. Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи шу кунга қадар етарли даражада фаолият кўрсатиши чекланганлиги сабабли, ушбу музей учун замонавий лойиҳа асосида махсус бино қуриш.

3. Давр талабидан келиб чиқиб, республика маданий мерос объектларининг QR-кодини ишлаб чиқиш ва воҳа виртуал музейларини веб-сайтини яратиш ва уни интернет тармоғига жойлаштириш зарур.

4. Минтақа вилоятларидаги умумтаълим мактабларида ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида тарих музейларини ташкил этиш.

5. Жанубий вилоятларда музейларни рўйхатга олиш иши талабга жавоб

бермаганлиги сабабли давлат рўйхатидан ўтмаган музейларни ҳисобга олиш ишларини йўлга қўйиб, бу тоифадаги музейларни туман ва шаҳар ҳокимликлари тасарруфига ўтказиб, маҳаллий бюджетдан молиялаштиришга эришиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2021. Tar.70.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХОСИЯТОВ ХУРШИД ОТАКУЛОВИЧ

**ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЕЕВ
ЮЖНЫХ ОБЛАСТЕЙ УЗБЕКИСТАНА В КОНЦЕ
XX – НАЧАЛЕ XXI ВЕКОВ**

07.00.01 – История Узбекистана

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по
историческим наукам

Карши – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2017.2. PhD/Tar 104.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Эргашева Юлдуз Алимовна
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Курбонова Дилафруз Абдирашидовна
доктор исторических наук

Хушвактов Наби Олимович
доктор исторических наук

Ведущая организация:

Термезский государственный университет

Защита диссертации состоится «23» 11 2021 году в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/27.02.2021. Tar.70.05 по присуждению ученых степеней при Каршинском государственном университете (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Кучабог, 17. Тел: (+99875) 225-34-13; факс: (+99875) 221-00-56; e-mail: kardu@mail.ru). Каршинский государственный университет.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 69). (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56). e-mail: kardu@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «10» 11 2021 года
(реестр протокола рассылки № 1 от «10» 11 2021 года).



Э.А.
Б.Ж. Эшов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.и.н., профессор

Н.Н. Ражабова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.и.н., доцент

М.Х. Тураева
Заместитель председателя Научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
к.и.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во всем мире в настоящее время важное значение приобретает интерес к историко-культурным объектам и их пропаганде. Мировое сообщество и международные организации, в частности ЮНЕСКО придавая большое значение сохранению культурного наследия человечества, обращает внимание на ведущую роль музеев, существование больших возможностей для обеспечения устойчивого развития межгосударственных и межкультурных связей. Дальнейшее совершенствование музейного дела посредством создания музейных экспозиций в современном стиле с помощью инноваций, организации научных экспедиций с целью пополнения фондов музея, оснащения музеев современным оборудованием и улучшения в них сервисных услуг является одной из функциональных задач государства и общества.

В настоящее время в ведущих научно-исследовательских центрах мира и высших образовательных учреждениях осуществляются научные изыскания, направленные на налаживание музейного дела, использование инновационных методов в сборе и демонстрации музейных экспонатов, разработку классификаторов организации музейных выставок, определение информативных и экспрессивных особенностей экспонатов в музеях, создание QR-кодов музеев, изучение стандартов виртуальных экспозиций. Данная деятельность в нынешних процессах глобализации служит пропаганде материального и духовного наследия посредством музеев на уровне современных требований и интенсивному развитию системы туризма.

В последние годы в Узбекистане в соответствии с требованием времени осуществлен ряд реформ в направлениях охраны объектов исторического культурного наследия, развития туризма, системной организации деятельности музеев и музейного дела. «Следует провести полную инвентаризацию хранящихся в музеях страны исторических экспонатов с созданием каталога каждого музея»¹. Глубокое изучение этих процессов и разработка служащих развитию музеев предложений и рекомендаций в настоящее время являются одними из актуальных задач.

Настоящая диссертация в определенной мере служит реализации задач, поставленных в Законе Республики Узбекистан «О музеях» (2008), Указе Президента Республики Узбекистан ПУ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 975 от 11 декабря 2011 года «Об утверждении Программы мер по совершенствованию деятельности и комплексному укреплению материально-технической базы государственных музеев на 2017-2027 годы» и № 621 от 6 августа 2018 года «Об организации деятельности «Маком музейи» в городе Шахрисабзе Кашкадарьинской области», Постановлении Президента

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Законодательной палате Олий Мажлиса от 28 декабря 2018 года // <https://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeevas-28-12-2018>.

Республики Узбекистан ПП-4068 от 19 декабря 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере охраны объектов материального культурного наследия», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 443 от 30 мая 2019 года “Об организации деятельности государственных музеев-заповедников «Сармишсой», «Шахрисабз», «Термез» и «Коканд»”, Постановлении Сената Олий Мажлиса № 721/0952 от 12 октября 2021 года о внесении дополнений в Закон Республики Узбекистан «О музеях» и других нормативно-правовых актах, относящихся в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики. I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути ее реализации».

Степень изученности проблемы. Вопрос о музеях как одном из основных отраслей культуры всегда оставался в центре внимания исследователей. Литературу по этой тематике, исходя из методологических подходов, можно сгруппировать в следующем порядке: 1) *Научные исследования в Узбекистане*; 2) *изыскания зарубежных исследователей*.

В годы независимости в периодических изданиях было издано много статей, посвященных музейному делу в Узбекистане². В связи с этим заслуживают внимания изыскания таких авторов, как Н.Содикова, Н.Хабибуллаев, Ж.Исмоилова, И.Жабборов, Д.Рахимова, Л.Хайдарова, Б.Тожиев, Ф.Хуррамов. В своих статьях авторы выразили свое мнение о проблемах, возникавших в процессе налаживания музейного дела в условиях независимости в Узбекистане, выдвигали предложения и свои соображения по поводу их устранения. Например, И.Жабборов и Д.Рахматов попытались изложить аналитические данные по актуальным вопросам музееведения.

² Содикова Н. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Мозийдан садо, 1-2/01/1999. – Б. 16; Хабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи // Мозийдан садо. – 1999. – № 4 (32). – Б. 5-8; Хабибуллаев Н. Ўзбек музейларининг истикболи // Мозийдан садо. – 1999. № 1-2. – Б. 12-13; Дресвянская Г.Я. Музей и общество // Мозийдан садо. – 2000. № 1-2 (5-6). – С. 30-33; Жабборов И., Рахимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – 2003. № 1 (7). – Б. 10-12; Исмоилова Ж. Музей – тарих кўзгуси // Мозийдан садо. – 2003. № 2 (18). – Б. 17-78; Хабибуллаев Н. Музейларимиз истикболи // Мозийдан садо 2003 йил № 2 (18); Жабборов И., Рахимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муоммолари // Мозийдан садо, 2003. – № 1 (17); Хайдарова Л. Музейга қачон боргансиз? // Қашқадарё, 2010, 9 апрель; Тожиев Б. Қашқадарё вилояти ўлкани ўрганиш музейида сақланаётган анъанавий хунармандчилик намуналари // Магистрантларнинг XIII илмий конференцияси материаллари (ижтимоий-гуманитар фанлар). – Самарқанд, 2013. – Б. 30-32; Тожиев Б. Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида сақланаётган уй-рўзгор буюмлари намуналари // Қарши давлат университети. Илм фан ва инновация. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2013. – Б. 192-194; Норбўтаева Э. Тарихни кўрмоқчимисиз музейга боринг // Қашқадарё, 2013, 17 май; Рахматова Д. Ўтмиш ва келажак туташган маскан // Қашқадарё, 2015 йил 16 май; Хуррамов Ф., Музейлар ўтмиш билан келажакни боғловчи кўприк // Кеш, 2019 йил 10 август. № 22 (8710); Саидов А. Като Кюдзо – ўзбекларнинг япон олими // Халқ сўзи. 2019 йил 18 сентябрь. № 194 (7424); Зулфиров Б. Музей экспонатлари нега хатловдан ўтказилмоқда? // Халқ сўзи 2021 йил 17 январь №13 (7515); Турсунова Н.М. Қадимги Термиз моддий маданиятининг музейлардаги намуналар // Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданияти: тарихий таҳлиллар” мавзуидаги Республика илмий анжумани мақолалар тўплами. – Тошкент: Тафаккур, 2021. – 312 б.

В Узбекистане также изданы монографии и учебные пособия, посвященные музейному делу. Достойны внимания исследования таких авторов, как А. Каюмов, Ш.Улжаева, Т.Шерматов, Х.Хайдаров, И.Икромов, М. Бекмуродов, М. Рашидова, Б. Ахмедов, А.Жабборов, А. Икромов, Н.Хушвақтов, А.Мусаев Д.Курязова, А.Хакимов, Н.Хабибуллаев, М.Мухамедова, Ж.Исмоилова, К.Нишонова.

Изданы учебные пособия Ж.Исмоиловой, М.С.Мухамедовой, М.Бекмуродова, М.Рашидовой. В своих работах авторами рассмотрены такие вопросы, как современное состояние музеев, как одного из важных направлений культуры, применение в них современных инновационных технологий, создание музейных экспозиций, организация выставок на различные темы, научная обработка предметов, хранящихся в фондах музеев³.

Заслуживают внимания научные изыскания Д.Курязовой по историографии истории музейного дела⁴. В своих многолетних исследования автор изучила ряд направлений в налаживании музейного дела в Узбекистане, излагает свои заключения по этому вопросу.

В последние годы в Узбекистане усиливаются меры по развитию туризма. Эти меры оказывают положительное влияние и на деятельность музеев. 23 марта 2021 года в Шахрисабзе была проведена Международная

